

МУЗЕЙНИ ЁШЛАР ОЛДИГА ҚҮЙАДИГОН ВАЗИФАЛАРИ.

Наманган вилоят тарихи ва

маданияти давлат музейи илмий ходими:

М.Мухамадиев.

Ўлкани ва унда мавжуд бўлган тарих ва маданият едгорликларини муҳофаза қилиш, ўрганиш ва улардан фойдаланиш ҳар бир фуқоранинг муқаддас бурчидир. Тарихчиларга бу қонун муқаддас дастуриламон бўлиб хизмат қиласди. Биз ешларни тарихий едгорликларни авайлаб сақлашга тарихий обидаларга меҳр-муҳаббат билан қарашга ўрганиб, бу едгорликлар факат ўтмишни ўрганиш учунгина эмас, шу билан бирга илм-фанни, халқ моарифи ва маданиятини янада ривожлантириш учун ҳам бебаҳо дурдона эканлигини сингдириш руҳида тарбиялашимиз керак.

Мактаб музейи ешлар олдига қўйидаги вазифаларни биринчидан, жамият ҳаєти ва халқ турмушидаги энг муҳим тарихий воқеаларни, давлат ва ҳарбий арбобларнинг, халқ қаҳрамонларининг ҳаєти ва фаолияти билан боғлик бўлган бинолар, иншоатлар, эсдалик жойларни ўз ўлкасига боғлаоб ўрганишни, иккинчидан, археология едгорликлари: кўхна шаҳарлар, қўръонлар, қалъалар, қадимий манзилгоҳлар, истеҳқомлар, корхоналар, каналлар, йўлларнинг қолдиқлари, қадимий дағн жойлар-мозоратларни, тош хайкаллар, қоялардаги тасвиirlарни, қадимий буюмларни ўз жойига боғлаб ўрганишни, учинчидан, меъморчилик обидалари тарихий марказлар, кварталлар, майдонлар, кучалар, шаҳар ва бошқа аҳоли яшайдиган манзилларнинг қадимий тузилиши, қурилиши ва қолдиқларини, санъат диний, ҳарбий, халқ меъморчилиги иншоатларини, табиат ландшафтларини ўз худудига мослаб ўрганишни, т:ртинчидан, санъат едгорликлари- монументал, тасвирий, амалий-декоратив ва бошқа турдаги санъат асарларини, бешинчидан, едгорлик ҳужжатлари-давлат ҳокитият органлари ва давлат бошқарув органларининг актлари, бошқа езма ва график ҳужжатлар,

кинофото хужжатлар ва товуш езувлари, шунингдек, қадимий ва бошқа қулемалар ҳамда архивлар, фильмлар ва мусиқа езувлар шу каби нозир материалларни излаб топиш, ўрганиш ва умумлаштириш вазифаларини қуяди. Ҳозирги вақтда мактаб музейи ташкил қилинган мактабларда ўқувчиларини ижтимоий фанлардан олаётган билимлари, мустақил ишга ва меҳнатга, ўтмиш тарихи ва маданиятига қизиқишилари ўсиб бораётганлиги аниқланмоқда. Шунингдек, юқори синф ўқувчиларининг билим доираси кун сайин кенгайиб, дастлабки илмий-тадқиқот ишларига булган қизиқиши сезиларли даражада ўсмоқда. Айниқса давлат музейлари бўлмаган районларда мактаб музейининг аҳамияти катта. Тарих ўқитишида мактаб музейидан ташқари давлат музейларига, тарихий жойларга саехатлар уюштириш мумкин. Тарих ўқитишида музей экспонатларидан фойдаланиш учун аввало музей фондини яхши билиш керак. Мактаб музей фонди қўйидагича бўлимларга бўлиб қўйилса мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, биринчи бўлими. Музейнинг ижтимоий-маданий вазифасини тарихий-маданий жиҳатдан таҳлил қиласиган бўлсак, унинг жамият олдидаги ўзига хос мажбурияти ва вазифаси қуидагиларда намоён бўлади:

- музей ашёлари ва музей коллекцияларини хужжатлаштириш (яъни жамиятда юз берадиган факт, ҳодиса ва воқеаларни музейдаги ашёлар орқали асослаш);
- таълимий-тарбиявий вазифаси (яъни жамият аъзоларининг маданий ва билим олиш талабларини қондириш учун музейдаги ашёларнинг маълумот бериш ҳамда таъсурот қолдириш имкониятидан фойдаланиш).

Музейларнинг ижтимоий-маданий вазифасини ёритиш учун улар фаолиятига маданиятшунослик, социологик, фалсафий ҳамда музейшунослик нуқтаи назардан ёндашиш лозим бўлади.

Одатда турли мамлакатларнинг музейшунослари томонидан музей ашёлари ва музей коллекцияларини хужжатлаштириш ва таълим-тарбия вазифасига алоҳида урғу берилади. Олимлар “музей вазифаси” деган тушунчани ёки музей фаолиятига боғлиқ фанлар ёрдамида унинг асосий вазифасини кенгроқ ёритиш кераклигини

таклиф этадилар. Мисол тариқасида айтганда, музей ашёларини хужжатлаштириш ҳамда таълимтарбия вазифасидан ташқари уларнинг фондларини сақлаш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, эстетик, гносеологик, аксиологик ва тарбиявий вазифаларини ҳам киритишишмоқда

Шунинг билан бирга музейларнинг вазифасига нисбатан яна бошқа бир қарашибор. Баъзи олимлар буни турлича изоҳлайдилар: яъни асарларни тўплаш, инсоннинг халқпарварлик ва маданий тимсолини акс эттирган қимматбаҳо асарларни сақлаб қолиш, нашр қилиш, одамларни бадиий бойликни ҳис қила олишига ўргатиш, дунёкараши ва ва қадриятларга бўлган муносабатини шакллантириш, ижодий фаолиятини кучайтириш, англаш имкониятини кенгайтириш, миллий, маҳаллий ва касбий ўзлигини англашига кўмаклашиш, тарихий боғлиқликни таъминлаш каби вазифалар нақадар муҳим ва аҳамиятли эканлигини таъкидлашмоқда.

Музейларнинг ижтимой вазифасига нисбатан яна бир қарашибор. Бу музейларга четдан қараб, музей – бу илмий тадқиқот институти, музей – бу бир маданий маскан деган эскича қараашларга барҳам беришни талаб қиласди. Чунки бу атамалар орасида музейга чинакам баҳо бериш учун “музей – бу музей” деган оддий ибора қолиб кетган. Музейларнинг кўп қиррали фаолиятига қараб эмас балки музей феноменини фалсафий нуқтаи назардан англашга интилиш керак. Ибтидоий жамоава қулдорлик жамияти” деб номлаш мумкин. Бу бўлимга асосан ўз ўлкасидан еки урганилаетган худудидан (агар шундай манбалар бўлса) топилган археологияга оид материаллар, масалан, Тешиктош ғорининг ясама кўриниши, М.М.Герасимов томонидан реконструкция қилинган i-9 яшар неандерталь боланинг дарсликдаги ҳайкалининг тасвири, ”Ибтидоий одам-синотроп овда” деган расмдан кўчирма еки ясама кўриниши, археологияга оид қазилмалар натижасида топилган тош даврига оид турли хил меҳнат қуроллари, сопол идишларнинг синиқлари, хуллас аалеолит, неолит, энеолит, мис, бронза ва темир даврига оид қуроллардан намуналар. сал нусхалар бўлмаган ҳолда уларнинг ясалма кўринишларини еки кўчирма нусхалар кўйиш мумкин. Иккинчи бўлимни ”Феодализм даври” деб номлаш ва бу бўлимга феодализм даврида яратилган тарихий ва маданият едгорликларидан Самарқанд,

Бухоро ва Хивадаги меъморчилик едгорликларини акс эттирувчи фотосуратлар ва Болаликтеа (V-VI аср), Панжакент, Варахша, Афросиеб, Далварзин ва Ахсикентлардан топилган археологияга оид ҳар хил топилмалар ва сопол идиштовоқлар, уша даврга доир танга-чақа пуллардан намуналар қўйиш мумкин. Учинчи бўлинни ”Ўлкамиз чор Россияси қарамлигига” деб номлаш мумкин. Бунда чор Россияси зулмидан маҳаллий омма ва жафокош, тутқинликда хуқуқсиз кун кечирган халқимизга таллуқли материаллардан қўйилса, Бухоро амири Хива хонлиги, Қуқон хонликлари ўрнига келган чор ҳукумати зулмидан қувиллаб қолган қишлоқлар ҳақидаги маълумотлар музей материалларида акс эттирилса ўқувчилар кўз ўнгига утмиш аниқ тасвирланади ва чоризм сиесатига нисбатан қаҳр-ғазаб, меҳнаткаш оммага нисбатан меҳр-муҳаббат уйготади. Тўртинчи бўлим ”Хозирги даврда жонажон :лкам” деб номланса ва бу бўлимда Ўзбекистоннинг 20- йиллардаги то шу кунгача, яъни мустақил жумхуриятлар ташкил топаётган, шунингдек Ўзбекистон ҳам мустақилликни қўлга киритиб, унда яшаётган халқлар ўз тарихи, маданияти, ўзлигини англаётган, хорижий давлатлар билан ҳам иқтисодий, ҳам маданий алоҳалар кун сайин яхшиланаетган ҳозирги давргача бўлган улкасининг иқтисодий, сиесий ва маданий ҳаётини исботловчи далиллар музей экспонатлари қаторидан жой олса, музей ўшандагина мактабнинг ҳақиқий музейига айланади ва унинг маълим тарбия ишларига қушаётган хиссаси янда ошади.

Адабиётлар:

1. Садыкова Н.О. Маданий едгорликлар хазинаси К.1981
2. Садыкова Н.С. Ўзбекистонда музей иши.Т.,1977